

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 2 май, Чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 83 (10.892)

Баҳоси эркин нарҳда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан Чирчиқ шаҳрида «Энергия ресурслари тежамкорлиги: янги технологиялар қонунчилики такомиллаштириш, энергия тежамкорлигини рағбатлантириш ва унинг истиқболлари» мавзuida давра суҳбати ташкил этилди. Унда сенаторлар билан бир қаторда манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари ҳам қатнашдилар.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2», «Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қўшма бюро, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Умумий амалиёт шифокорлари уюшмаси ҳамкорлигида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини ислох қилиш натижалари ва умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтмоқда.

● Урганч шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси қошидаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ўз ишини бошлади.

● «Ўзбекэнерго» давлат хиссадорлик компанияси таркибидagi Тошкент иссиқлик электростанциясини модернизациялашга киришилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш мақсадида Япония ҳукумати 24, 955 миллион иен миқдорда узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратди.

● Жиззахда республика Халқ таълими вазирлиги БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан ҳамкорликда икки кунлик семинар ташкил этилди. Унда умумтаълим мактаблари ҳақидаги дастурларнинг жойларда қандай ижро этилаётгани масаласи муҳокама қилинди.

● Республика Байналмилал маданият марказида «Камолот» ЁИХ Яққасарой тумани Кенгаши ташаббуси билан «Биз мустақил юрт фарзандларимиз» шиори остида ёшлар анжумани бўлиб ўтди.

● «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятида «ТТЗ — 810» русумли янги трактор ишлаб чиқарилди. Ушбу янги техника воситасига буюртма асосида 80 от кучидан 120 от кучига қадар эга бўлган мотор ўрнатилди. Ушбу тракторни бир йил давомида синовдан ўтказиб, сўнгра мунтазам равишда ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

● Қашқадарё вилоятида «Ижтимоий ҳимоя йили» ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 671 йиллигига бағишланган адабиёт ва спорт байрами ўтказилди. 10 мингдан ортиқ одам иштирок этган ушбу кенг миқёсдаги тадбир «Истиклол. Адабиёт. Кураш» шиори остида ўтди.

## АВТОМОБИЛСОЗЛИККА ОИД ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 1 МАЙ КУНИ ОҚСАРОЙДА GENERAL MOTORS-DAEWOO AUTO AND TECHNOLOGY (GMDAT) КОМПАНИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАЙКЛ ГРИМАЛЬДИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Ўзбекистонга ушбу ташрифнинг мақсади мамлакатимиз автомобилсозлик саноати билан яқиндан танишиш, ўзаро ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун янги имкониятдир, — деди Ислам Каримов.

GMDAT 2002 йилда General Motors корпорацияси томонидан Корея Республикасининг DAEWOO Motors компанияси заводлари солиб олиниши натижасида ташкил топган. DAEWOO Motors эса Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг янги соҳаси — автомобилсозликни ўзлаштиришда муҳим ўрин тутган. Унинг сармояси иштирокида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ташкил этилди ва 1996 йилдан буён ҳар йили бир неча турдаги ўн минглаб энгил автомобиль ишлаб чиқарилмоқда.

Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу завод энг илгор технологик ускуналар, ноёб техника билан жиҳозланган. Унинг маҳсулотлари нисбатан арзонлиги, қулайлиги, замонавий техника талабларга жавоб бериши билан наинки юртимизда, балки хорижда ҳам жуда хариддордир.

Асакадаги корхонадан дастлаб «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари чиққан бўлса, кейинчалик улар сафига «Матиз» қўшилди. Бугунги кунда «ЎзДЭУавто» ўз мижозларига янада замонавий автомобиль — «Ласетти»ни ҳам тақдир қилмоқда. Корхонада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ичун давом этмоқда. Жорий йил охиригача бу борадаги кўрсаткични 60 фоизга етказиш мўлжалланган.

«ЎзДЭУавто»нинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига қўшаётган хиссаси катта. Корхона ҳар йили ички бозорга қарийб 60 минг, ташқи бозорга эса салкам 80 минг автомобиль чиқаради. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистон автомобиллари Россияда энг кўп сотиладиган хориқ автомобиллари сафидан мунтазам жой олмақда. Кор-

хона 2008 йилдан тўла қувват билан ишлашга ўтади, бу йилга 200 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш имконини беради.

Заводнинг ижтимоий аҳамияти ҳам катта — мамлакатимизнинг аҳоли энг зич яшайдиган вилоятида минглаб одамлар иш билан таъминланди. Ўтган йиллар давомида корхонада юксак малака ва чуқур билимга эга, юқори технологияли ускуналар билан бемалол «тиллаш» олаётган меҳнат жамоаси шаклланди. Бошқача айтганда, «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатни эканлигини, халқимизнинг бекиёс бунёдкорлик салоҳиятини тўла намойён этган замонавий корхоналардан биридир.

GMDAT компанияси DAEWOO Motorsнинг кўплаб хориқий ҳамкорлари билан алоқаларни давом эттирмоқда. Унинг маҳсулотлари дунёнинг қарийб 150 мамлакатидан сотилади. 2006 йилда GMDAT Жанубий Кореядаги энг жадал ривожланаётган автомобилсозлик компанияси сифатида эътироф этилди. Мамлакатда саноатнинг бу турида умумий ўсиш 3 фоизни ташкил этган бўлса, GMDATда 32 фоизлик кўрсаткич қайд қилинди. У 2005 йилда 1,050 миллион, 2006 йилда 1,397 миллион дона автомобиль экспорт қилди (ички бозор учун — 100 мингдан зиёд). 2007 йилда бу кўрсаткични 1,726 миллионга етказиш режалаштирилган.

Оқсаройда бўлган учрашувда Майкл Гримальди GMDAT компанияси ўзбекистонлик шериклари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Музокарада «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти билан GMDAT ўртасидаги ҳамкорлики янада кенгайтириш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларига доир масалалар муҳокама қилинди.

(ЎЗА)

## ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН GENERAL MOTORS-DAEWOO AUTO AND TECHNOLOGY (GMDAT) КОМПАНИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАЙКЛ ГРИМАЛЬДИ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 1 МАЙ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, МОЛИЯ ВАЗИРИ РУСТАМ АЗИМОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти билан GMDAT ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликда жаҳон андозларида мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, икки томонлама манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг автомобил саноати замонавий технологиялар билан жиҳозланган қатор корхоналарни ўз ичига олади. «ЎзДЭУавто» ишлаб чиқараётган «Ласетти», «Нексия», «Матиз» ва «Дамас» русумли автомобилларга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта.

Шу боис корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ўсмоқда. Хусусан, 2006 йили мазкур акциядорлик жамиятида 140 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу рақам 170 мингдан ошиши кутилмоқда. Корхона 2008 йили тўла қувват билан ишлаб бошлагач, йилга 200 минг донага автомобиль ишлаб чиқарилади.

— Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати ичун ривожланаётгани ва мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги салоҳияти жуда юқори эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, — деди Майкл Гримальди. — Мазкур ташрифдан мақсадимиз «ЎзДЭУавто» билан ҳамкорлики янада кенгайтиришдан иборат.

Музокара якунида Ўзбекистон ҳукумати билан GMDAT ўртасида битим имзоланди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда энгил автомобиль ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ҳамда «ЎзДЭУавто»нинг GMDAT глобал тизимига интеграциялашувини таъминлашга қаратилган.

Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида «ЎзДЭУавто» билан GMDAT ўртасидаги янги лойиҳалар бўйича қатор шартномалар имзоланди. Улар «Матиз» ва «Нексия» русумли автомобилларни Евро III стандартлари талаблари асосида замонавийлаштириш, автомобилсозлик соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби йўналишлардаги ҳамкорлики янада кенгайтиришни назарда тутди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар


**СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ, ХАРИДОР ДИД ВА ЭҲТИЁЖИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ТОВАРЛАР ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ҲАМДА ЯНГИЛАШ — БУЛАР БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ. БУНДА, АЛБАТТА ЗАМОНАВИЙ ДАСТОҲ ВА УСКУНАЛАР, ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА.**

### Иқтисодиёт МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИДИ



Бу борада пойтахтимиздаги йирик корхоналардан бири — «Оникс» акциядорлик жамиятида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Эскирган дастгоҳларни модернизация қилиш, маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда кўл келадиган янги техникалар келтириш ана шулар жумласидан бўлиб, бу шубҳасиз, сифат ва самарадорликда, ишлаб чиқариш ҳажми ортишида, маҳсулотларга четдан харидор топилди.

— Ўтган йилда жамоамизда ўсиш суръати 67 фоизни ташкил этганини таъкидлаш лозим, — дейди иқтисодиёт масалалари бўйича директор ўринбосари Абуабду Усқенбоев. — 4 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Экспорт ҳажми ҳам 2005 йилга нисбатан 50 фоизга ортишига эришилди. 50 турдаги янги қандиллар, 20 дан ортиқ хилда турли идишлар тайёрланди ва харидорларга етказиб берилди. Тендерда ғолиб чиқиб «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик жамияти буюртмаси асосида электр монтерлар учун 2000 та куктипаз иш-



лаб чиқарилди. Маҳсулотлари мизнинг жаҳон андозалари даражасидаги сифатини таъминлаш учун лойиҳа асосида цехларни модернизация қилишга эътиборни қаратаёلمиз, янги куришти печлари ишга туширилди.

Жорий йилда корхонада 4 та янги кичик печни ишга тушириш кўзда тутилган бўлиб, улар асосида маҳсулот турлари кўпайиб, рангли биллур буюмлар ишлаб чиқаришга эришилади. Шунинг баробарида 40 тадан зиёд янги ишчи ўринлари ҳам ташкил этилади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, корхонада тайёрланган биллур маҳсулотлари нафақат кўриниши, жиҳоси, сифати ва турлари билан, балки ўзига хос жозибача ранги билан аллақачон харидорини топган. Бу борада ички ва ташқи бозорни тинмай ўрганаётган тадбиркорларнинг, шу асосда изланиб кун сайин маҳсулот турларини янгилаётган дизайнларнинг хиссаси катта. Бунга корхонада ойига 4-5 та янги биллур буюмлар тайёрланаётгани эркин мисолдир. Шу боис ҳам

жорий йилда 50 га яқин қандил ҳамда 40 дан зиёд биллур идишларнинг янги турларини харидорларга манзур этиш кўзда тутилган.

Албатта, ҳар қандай кўзланган мақсадга интилиш ва меҳнат қилиш орқали эришилади. Биллурозорларнинг бу йилги режалари эса 5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш, экспорт ҳажминини ҳам оширишдир. Бугунги саъй-ҳаракатларнинг барчаси ана шу ниятга яраша бўлмоқда. Айниқса, корхонада сўлқидилган меҳнат қилаётган 700 нафардан зиёд ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар, иш ҳақининг ортиб бориши, ижтимоий ҳимоянинг кўнгилдагидек ташкил этилганлиги муваффақиятларда асосий омили бўлмоқда.

Шу боис ҳам

## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Собир Рахимов политехника касб-хунар коллежи талабалар турар жойида талабаларнинг шоир ва ёзувчилар билан уюштирилган учрашуви «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб номланди.

● **ЮНИСЕФ** болалар ташкилоти ҳамда Республика Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликларида 30 апрелдан 7 майгача умумтаълим мактабларида ўқувчилар иштирокида «Саломатлик ҳафталиги» доирасидаги тадбирлар қизгин давом этмоқда.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси болалар кутубхонасида «Сўз зарғари» мавзуи-

да ўтказилган адабий кеча Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** Олий Мажлис биносида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан энг фаол етакчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** 113-мактабда «Биология фани ойлиги» доирасида экологияни асрашнинг долзарб масалаларини ўқувчилар онига сингли мазмунли аҳамиятига бағишлаб уюштирилган анжуманда мактабларнинг биология фани ўқувчилари иштирок эттишти.

● **КЕЧА** шахримизда Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, қишлоқ врачлик пунктлари, шифоконлар шифокорлари малакасини

ошириш, она ва бола саломатлигини асраш омилларига бағишлаб шифокорлар иштирокида ўтказилган анжуман Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан уюштирилди.

● **БУГУН** Ҳамза номидаги мусика коллежида Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ташаббуси билан ўқувчилар ўртасида уюштирилган «Барҳаёт анъаналар» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

● **РЕСПУБЛИКА** иختисослашган алергология марказида шифокорлар иштирокида алергик касалликларнинг олдини олишда аниқ ташхис ва замонавий тиббиёт

технологияларининг ролига бағишлаб анжуман уюштирилди. Ушбу шифо масканига замонавий тиббий жиҳозлар, технологиялар келтирилди.

● **МИРОБОД** туманида мактаб ўқувчилари ўртасида уюштирилган «Ўзбекистон — кўшиқ байрами» танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **РЕСПУБЛИКА** киночилар уйда кино мухлислар эътиборига тўқилган тадбир «Дизайн ва амалий санъат» шиори остида уюштирилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** «Тасвирий санъат ҳафталиги» доирасида ўтказилган тадбир «Дизайн ва амалий санъат» шиори остида уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## ЖАҲОНДА

● **АҚШ** ва Европа Иттифоқи трансатлантика иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги келишувни имзолади. Мазкур ҳужжатда Америка-Европа бозорига асос солидиган савдо-сотик ва инвестиция масалалари қайд этилган. Томонлар 40 дан ортиқ соҳалардаги қонунлар ва қоидаларни бир-бирига мувофиқлаштириш билан шуғулланадиган қўшма комиссия тузишди.

● **Украина** Президентини Виктор Ющенко Конституциявий суднинг аъзоси Валерий Пшеничнийни лавозимидан четлатди. Расмий баёнотда айтилишича, у ўз қасамёдига зид равишда иш тутган.

● **Венесуэла** Президентини Уго Чавес унинг мамлақати Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки билан ҳамкорлик қилишни тўхтатганлигини маълум қилди. У мазкур икки халқаро ташкилотни баъзи бир Фарб давлатлари манфаатлари йўлида кичик мамлакатлардан фойдаланаётганликда айблади.

● **Афғонистоннинг** Хирот музофотида НАТО кучлари толибларга қарши ҳарбий амалиётлар ўтказилди. Коалиция кучлари кўмондонлиги вакилининг билдиришича, жанг 14 соат давом этиб, 87 жангари йўқ қилинган.

● **Буюк Британияда** беш нафар шахс устидан суд жараёни тугади. Улар мамлакатда террорчилик ҳуружларини режалаштириш ва «Ал-Қоида» ташкилотига алоқадорликда айбдор деб топилди. Манбада айтилишича, уларнинг режалаштирган хунрезликлар амалга ошганда, юзлаб одамлар ҳалок бўлиши мумкин эди.

● **Африка** қитъасидаги ривожланиш бўйича энг паст кўрсаткичга эга бўлган Зимбабве давлатида инфляция даражаси 2200 фоизга кўтарилди. Мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий инкироз бунга сабаб бўлмоқда.

● **Банокда** ҳавога парник газларини чиқаришни камайтириш ва глобал иссиқ жароғига қарши курашиш мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция иштирокчиларининг фикрича, кўплаб давлатлар иқлим ўзгариши натижасида иқтисодиётга етказилаётган зарарни камайтириб кўрсатмоқда.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 3 май кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёمғир ёшиб, момақалдирок бўлиши мумкин. Фарбдан секундига 5-10 метр тезликда эсаяётган шамол момақалдирок пайтада кучайиб, секундига 15-17 метрга етади. Кечаси 14-16, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДАГИ ФАОЛЛИГИ ВА МАВКЕИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДА БИРИГА АЙЛАНДИ. ЮРТИМИЗДА БУ БОРАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР ЖАҲОННИНГ КЎПЛАБ ДАВЛАТЛАРИДА ҲАМ ҚИЗИҚИШ УЙГОТМОҚДА.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франциянинг Париж шаҳри олий инстанция суди прокурорининг ўринбосари, Париж хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича ахборот маркази маъмурий кенгаши аъзоси Франсуаз Гийо хонимнинг ташрифи бунинг далилидир.

Франциялик меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Свет-

ЎРГАНСА АРЗИГУЛИК ЮТУҚЛАР КЎП

лана Иномова билан учрашувда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оилани мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, гендер тенглигини таъминлаш доимий эътиборда. Бу борада Президент Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мўҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурларига биноан оналар ва болалар саломагини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оилаларни ижти-

мой ҳимоялаш борасида кенг кўламли хайрли чора-тадбирлар амалга оширилаётди. Тиббиёт масканлари — она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш, шифо масканлари, поликлиникаларнинг фойдаланишига топширилиши, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши бунинг ёрқин далилидир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳалларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, аynиқса ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Фармонга мувофиқ хотин-қизларни, аynиқса чекка ҳудудларда яшовчи аёлларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида

эътибор қаратилмоқда. Ижтимоий ҳимоя йи-лида бундай эзгу юмушлар кўлами янада кенгайгани эътиборга моликдир.

Учрашувда Франциялик меҳмон Ўзбекистонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини янада ошириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, гендер тенглигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга юксак баҳо берди. Бу йўналишда Ўзбекистонда бошқа давлатлар ўрганса арзийдиган ижобий тажриба тўплангани алоҳида таъкидланди.

Ф.Гийо хоним Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров билан учрашди. Тошкент шаҳрида ўтган «Аёл ва спорт» мавзудаги халқаро анжуманда иштирок этди. Бухоро ва Самарқандда бўлиб, мазкур вилоятлардаги хотин-қизлар ижтимоий мослашуви марказлари фаолияти билан атроф-лича танишди.

Назokat УСОМОНОВА, Ҳақимжон Солихов олган суратлар

Умуммиллий дастур — амалда

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИ

ҲАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТНИНГ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ ТАЪЛИМ ДАРАЖАСИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ. ДАРҲАҚИҚАТ, ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ, БУ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ. АЙНАН ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЪИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР РЎЙ БЕРДИ. ЖУМЛАДАН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ, «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ҲАМДА «2004-2009 ЙИЛЛАРДА КАТТА ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ» ДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ БОРАСИДА КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.


Шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими томонидан бу борада самарали ютуқларга эришилаётганлигини эътироф этиш мумкин. Бу ҳақда бизга мазкур туман Халқ таълими бўлими мудири Наргиза РАҲМОНҚУЛОВА куйдагиларни гапириб берди.

— Дарҳақиқат халқ таълими тизимида жуда кенг кўламда янгилинишлар ва ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими тасарруфида бугунги кунда 32 та умумтаълим мактаби, 1 та ёрдамчи мактаб, 3 та БУСМ, 2 та спорт мажмуаси, 66 та мактабгача таълим муассасаси ва 1 та мактабдан ташқари, 2 та мактаб-интернати фаолият кўрсатмоқда. Умумтаълим мактабларида ҳозирги кунда жами 34246 нафар ўқувчилар таҳсил олишмоқда, уларга 1750 нафар педагог ходимлар таълим-тарбия бермоқдалар. Мактабгача таълим муассасаларида эса 1094 нафар юқори маалаки тарбиячилар ёш авлодга тарбия беришмоқда. Энг қувонарлиси, ўтган йилда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида бири-бирдан кўркам ва замонавий мактаблар ўз эгалари — келажақ ворисларига тўхфа этилди. Бир неча мактаблар, жумладан 207, 50,35, 112, 71, 225- мактаблар капитал таъмирдан чиқарилди. 433, 332, 325, 145, 597- мактабгача таълим муассасалари эса жорий таъмирдан чиқарилди. Бу биноларда кутубхона, фаоллар зали ўқувчилар ихтиёрида, кимё, биология, физика хоналари эса замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Спорт заллари ҳам замонавий анжомлар келтирилган. Таъмирдан чиққан мактабларнинг маҳобатли биноси, кенг ва ёруғ синф хоналарида ўқувчилар мамнун ҳолда таълим олишмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг, мураббийнинг ижодкор бўлишини, ўз касби, фаннинг мўҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юритиши, ўқувчиларни мустақил фикрлашга, тадқиқот ишларини олиб боришга ўргатишни талаб этади. Бу эса таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳар даражада мослигига боғлиқ. Ислоҳотларнинг бир тури тажриба синов майдонларини яраттирди. Туман тасарруфидаги 49, 112, 256, 71, 241, 308, 222, 148, 208- мактабларда фанлардан тажриба синов ишлари олиб борилмоқда. Бу албатта, яхши натижалар бераётди. Шунингдек, туманимиз мактабларида иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш ва уларнинг интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида олимпиадалар ўтказиб келинмоқда. Туманимиз умумтаълим мактабларидан 47 нафар ўқувчилар олимпиадаларнинг шаҳар босқичида қатнашиб, улардан 16 нафари 1,2,3-ўринларни эгаллаб, шаҳар олимпиадасида туманимиз иккинчи ўринга эга бўлди. Туман бўйича 62 нафар фан ўқитувчилари эса «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида иштирок этдилар. Танловнинг шаҳар босқичида иштирок этган 20 нафар ўқитувчилардан 5 таси ғолибликни қўлга киритиб, республика танловига йўналма олдилар. Ҳақимжон Солиховнинг эса танловнинг республика босқичида совринли ўринларга эга бўлдилар. Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, ўз устида ишлаш кўникмаларини кучайтириш мақсадида 2006 йилда «Энг яхши фан ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси» кўрик-танловлари ташкил этилди. Ўқувчиларга таълим-тарбия бериш билан бирга уларни жисмонан камол топтириш соғлом ҳаёт тарзини сингдириш мақсадида ёш авлоднинг спортга бўлган қизиқишини ошириш, «Болалар спортини ривожлантириш» дастурида белгиланган вазибаларни амалга ошириш бўйича турли спорт муسابакалари ўтказиб келинмоқда. Ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гийёвандликнинг олдини олиш мақсадида барча умумтаълим мактабларида «Отлар кенгаши» ташкил қилинган. Бу кенгаш йиғилишларида воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гийёвандлик, сабабсиз дарс қолдириш ҳолатлари, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ёшлар ўртасида маънавий-тарбиявий тадбирларни юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги муаммолар ҳал этилади.

Албатта қўлга киритилаётган ютуқлар қаторида муаммолар ҳам йўқ эмас. Биз келгусида ана шу муаммоларни ҳал этиш, камчиликларни бартараф этиш мақсадида халқ таълими ходимлари биргаликда баҳамжихат иш олиб борсак, эзгу мақсадларимизга етамиз. Zero, келажақ ёшлар қўлида экан, ёшларни ҳар томонлама комил, билимли, маънавияти юксак қилиб тарбиялаш бизнинг асосий бурчимиздир.

Дилором ИКРОМОВА сўхбатлашди



Хунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаётган ёш уста Мирсаид Ниғматов ўз изланишлари билан муваффақият қозониб келмоқда. У Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус— 2007» кўрик-танловининг Миробод туман босқичида ғолибликни қўлга киритди. Танловнинг пойтахт босқичида эса ўз маҳсулотлари кўргазмаси билан қатнашган ёғоч ўймаkori «Энг ёш хунарманд» номинациясининг совриндори бўлди.

СУРАТЛАРДА: ёғоч ўймаkori Мирсаид Ниғматов; у яратган ишлардан намуналар. Ҳақимжон Солихов олган суратлар

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

ДОИМО ЭЪТИБОРДА

МАМЛАКАТИМИЗ ИЧКИ БОЗОРИНИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН КЎЗИ ОЖИЗЛАР ЖАМИЯТИ ТАСАРРУФИГА КИРУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР.

Бугунги кунда мазкур жамият қошида 50 га яқин ўқув ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатаётганлиги фикримиз далилидир. Мазкур корхоналар республикамизнинг турли ҳудудларида жойлашганига қарамадан уларда 2500 нафарга яқин киши меҳнат қилишиб, юздан зиёд турдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга эришилмоқда.

— Таъкидлаш ўринлики, — дейди биз билан сўхбатда мазкур жамият бошқаруви раиси Ёқубжон Жавлонов, — корхонамизда меҳнат қилаётганларнинг тенг ярмини но-

турлар ташкил этсада, жорий йилнинг дастлабки чора-ғида кўрсатилган хизматлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 104537 минг сўмга етказилди. Мўҳими эса ушбу ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг асосий қисми тизимимизнинг Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Ёғоч эшик ва ромлар, картон қутилар, ўрш ва қадоклаш материаллари, тўкув-тикув маҳсулотлари, синтетик хом ашёлар, босма хона маҳсулотлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Тошкент шаҳри бўйича тузилган белгиланган дастурга биноан пойтахтдаги тизимга қарашли электр хўжалик моллари ишлаб чиқаришга иктисосслаштирилган корхоналарни Бутунроссия кўзи оғизлар жамиятига қарашли корхоналар ҳамкорлигида оёққа тургазиб олиш

учун музокаралар олиб борилмоқда. Келгусида чиқиндилардан полиэтилен пакетлар, полипропилен қоплар тайёрлаш, макарон, нон ҳамда ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Тўғри, бугунги кунда ишлаб чиқариш жараёнида ўзига хос муаммолар ҳам йўқ эмас. Аммо уларнинг барчаси аста-секинлик билан барҳам этиб борилмоқда. Мана шу ишларнинг самараси натижасида пойтахтдаги ақсарият ўқув ишлаб чиқариш корхоналаримиз қаддини тўлиқ тиклаб олмақда. Қолган корхоналарнинг иқтисодий имкониятларини йўлга қўйиш учун барча чора-тадбирлар қўлланилмоқда.

— Албатта, биз тизимимизда биргина ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эътибор қаратаётганимиз йўқ, — дейди Ёқубжон Жавлонов

си, фойдаланилган газ ҳақини вақтида тўлаш, — дейди Иброҳим Сайдалиев сўзини давом эттириб, — юқоридаги тадбирлар режасининг пишиқ-пухта бажарилишига нафақат имкон беради, балки мўҳим ҳисса бўлади. Лекин афсуски, маҳалла фаоллари тушунтириш ишлари олиб боришлари, тумангаз ходимлари оғоҳлантиришларига қарамай ҳамшаҳарларимиз орасида газ тармоғига ноқонуний равишда улашиб фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳоллари учрамоқда. «Ўздавнефтгаз»нинг «Уздавнефтгаз»нинг Тошкент шаҳар бўлими ва «Тошкентшаҳаргаз» бошқармасининг ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тумангаз филиалларида қўшма тадбирий режаларини бажарилиши юзасидан фаолият кўрсатиб, 2007 йилнинг 1-чораги давомида 248 та ана шундай ноқонуний фойдаланган истеъмолчиларни аниқлашга муваффақ бўлишди ва улар газ тармоғидан узиб қўйилди. Ноқонуний равишда фойдаланилган табиий газ ҳажми 1,4 миллион м³ бўлиб, бунинг оқибатида келтирилган моддий зарар 52,3 миллион сўмни ташкил этади.

Шунингдек, газ ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ўзгартириш оқибатида олинган газ миқдорини қамайтириш сингари нопок йўлни танланган ҳамда фойдаланилган газ ҳақини тўламаган қарздорлар газ тармоғидан узилиб, ҳужжатлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш органларига топширилмоқда. Бошқармаимиз томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида 10,8 миллион сўм миқдорига пул маблағларини ундирилди, 27 та газ тармоғига ноқонуний равишда улашиб фойдаланилган истеъмолчиларга ҳам ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишли чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди. Халқимизда «Кингир ишининг қийғи қирқ йилда ҳам чиқади», «Қарз қиёматга қолмасин» деган аjoyиб нақлар борки, истеъмолчилар буни яна бир қарра ёдга олишса фойдадан холи бўлмасди.

Шарофат БАҲРОМОВА

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ (ISESCO) ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ «ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ЮРТИМИЗДА КАТТА ҚУВОНЧ БИЛАН КУТИБ ОЛИНДИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИДА УЛКАН ВОҚЕА БЎЛИБ ТАРИХ САҲИФАЛАРИГА БИТИЛДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА МАСКАНЛАРИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

АЗИЗ ВА МУҚАДДАС ШАҲАР

Яқинда, Тошкент Ахборот технологиялари университетида Тошкент—ислом маданияти пойтахти мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманин Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими, Юнусобод туман ҳокимлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамкорликда ўтказилди.

— Барчамиз яхши тушунамизки, Тошкент шаҳрининг бундай номга сазовор бўлиши оламшумул воқеа бўлиб, ислом оламидаги нуфузли ташкилотнинг бу қарорга келиши бежиз эмас ва унинг ўзига хос сабаблари бор, албатта, — деди Тошкент Ахборот технологиялари университети ректори С.Қосимов анжуманин очар экан. — Барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган азим пойтахти-мизнинг ана шундай юксак обрў-эътиборга эришгани нафақат халқимизга, аynи вақтда яқин ва узокдаги дўстларимизга ҳам гурур ва ифтихор бағишлайди, деб ишонч билан айтишга асосларимиз бор. Бу қувончли воқеа муносабати билан, кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг элчилари, таниқли олим уламолардан Ўзбекистон раҳбарияти номига ҳамон қизгин қўтловлар келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Х.Ҳайдаров «Ислом маданияти ва ёшлар тарбияси», Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари И.Абдуғаниев «Тошкент—Шарқ маданияти бешиги», Тошкент шаҳар имом хатиби ёрдамчиси Э.Мирзаев «Ислом ва бугунги давр», Амир Темур халқаро ҳамғармаси раиси Мухаммад Али «Ўзбекистон — буюк алломалар юрти» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Анжуман фикр-мулоҳазаларга бой тарзда марокли ва мазмунли яқунланди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

БЕЛЬГИЯДА «ЎЗБЕКИСТОН: ДАДИЛ ҚАДАМЛАРНИНГ 15 ЙИЛИ» ЖУРНАЛИ ЧОП ЭТИЛДИ

БРЮССЕЛДА «ЎЗБЕКИСТОН: ДАДИЛ ҚАДАМЛАРНИНГ 15 ЙИЛИ» ЖУРНАЛИ БОСМАДАН ЧИҚДИ. У РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЖАМИЯТНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ, САЙЁҲЛИК, СПОРТ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАҚЛАРИ ҲАМДА ИЖТимоий-СИЁСИЙ ВА ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТНИНГ БОШҚА ЖАБҲАЛАРИДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР МАВЗУЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН. ИШУ БЕЛЬГИЯНИНГ «DIPLOMATIC WORLD» ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕЛЬГИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКДА ЎҚУВЧИЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

У хорижий журналхонларини мамлакатимиз билан яқиндан таништиради. Нашр сиёсий ислоҳотлар, иқтисодиёт тармоқларидаги ютуқлар, сарможий салоҳият, ташқи сиёсат, халқаро иқтисодий муносабатлар, Европа Иттифоқи ва Бельгия билан ҳамкорлик, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, ижтимоий ҳимоя ва гендер сиёсати тизими, дин, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, маданият, спорт сингари 22 бўлимдан иборат.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати номли бўлимида дунёнинг турли давлатлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро алоқалар, республика раҳбариятининг давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб бораётган сайёҳаракатлари, шунингдек, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар, хусусан, хорижий сармоядорлар ва тадбиркорлар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар хусусида атрофлича сўз юритилган.

Журналда суд-ҳуқуқ соҳаси ва жиноий жазо тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳам ўз ифодасини топган. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Фармони ва мамлакатимизда «Хабес корпус» институтининг жорий этилаётгани, ушбу масалалар юзасидан етакчи чет эл экспертларнинг фикр-мулоҳазаларига алоҳида урғу берилди.

Шунингдек, хорижий журналхонларнинг эътибори Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданӣ ва маънавий меросига, илм-фан ва юқори технологиялар, таълим, диний маърифат, соғлиқни сақлаш, спорт, сайёҳлик ва шу сингари республиканин бошқа соҳалардаги замонавий салоҳиятига қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ва ўзбек халқининг бой маданӣ меросини намойиш этувчи ранг-баранг суратлар билан безатилган мазкур журнал 5 минг нусхада чоп этилди.

«Жаҳон» АА

Брюссель





### МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БҮСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

#### ҲИҚМАТЛАР

Ўз мақомида захар бўлмай даво,  
Ўз мақомида куфр бўлмай раво.

Ўрада сув чучмалу нордон магар,  
Ўра пишгач, ул ширин шарбат бўлар.

Нафс аёлдек чора излаш бирла банд,  
Гоҳ паст тутгай ўзин ул, гоҳ баланд.

Совға бергай бир-бирига дўсту ёр,  
То кўнгил меҳрини этгай ошкор.

Гоҳи айрондин киши сархуш бўлур.

...ишқ инсонни кўру қар қилур.

... нафс истагидан кўзни юм.

Англамоққа ҳамма ҳам қодир эмас.

Кўза бирлан сув ташиб дарёга, бас,  
Ростданам эшшак эрурмиз, кам эмас.

Нон-ку — тупроқ, гўшт-тупроқ, ема кўп,  
Қолма сен ҳам ерда бир тупроқ бўлиб.

Кунни зоёъ этма пашша ўлдириб.

Сувратин кўйил-да, сен маънони кўр.

Эр ақл эрса, хотиндир тамаъ, хирс.

Мева маъно эрса, гулдил суврати.

Кимки ўз нафсини ўлдириш тугал,  
Унга офтобу булут ҳам бош эгар.

Игна кўзидин гар ип ўтгай равон,  
Ул тешиқдин тева ўтмас ҳеч қачон.

Ҳам набию ҳам валининг маслаги  
Ҳаққа элтмишдир, демак, бирдир таги.

Муддао сўз сўзламоқдин—англиши.

... борлиқ тор эрур, кенгдир хаёл.

Эй улуглар, сиз фақат ибрат олинг.

Шукру ҳамд бўлсин ҳамиша Ҳаққаким,  
Бизни бор этди салафлардин кейин.

Тулки дерсан, сен кўрарсан аврасин,  
Аслида шердир, эшитгил наърасин.

Жонни мен жононга қандоқ келтирай?  
Қатрани уммонга қандоқ келтирай?

Ҳаддин ошса кибру авзойинг сенинг,  
Етти қат ер остидир жойинг сенинг.

Ақлу хуш эшшакка чун маъмур эмас,  
Шул сабабдин ул сира маъзур эмас.

Синдириб отгай дарахтларни бўрон,  
Этмагай лекин гиёҳларга зиён.

Болтага шох ёки новда бўлса, бас,  
Беҳадлик чопгай, учиргай қарс-қарс.

Гар ўтин кўп бўлса, оташга не гам,  
Кўркмагай қассоб сурув юз бўлса ҳам.

Бадҳазм овқат еса инсон магар,  
Кўнгли айнаб, қайт этар, яъни қусар.

Илм Худан келмаса бевосита,  
Бир бўёқдирким, кетар билвосита.

... кўнгил кўзгуси чексиздир.

Сўйлама сўзни, очаркан айбни ул,  
Парда йиртиб, зоҳир этгай гайбни ул.

Ваҳму кўрқинчдир не эрса ёширин,  
Барча истарлар кўринмаснинг сирин.


Ҳар неким гойиб, у бизни ўйлатар,  
Ҳар неким ҳозир, хаёлни тарк этар.

Тилни тий, тил бўлса хомуш яхшидир.

Шўъла — нур эрмиш гувоҳи офтоб,  
Нотавон кўзлар беролмас нурга тоб.

Насли Одамнинг қаноти—ақлидир,  
Лек ақллар бир-биридин фарқлидир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Нақадар тароватли ва файзлир болалиқ чоғлари.

Айниқса, олиб борилаётган ишларнинг самараси сифатида гиёвандликка қарши курашиш, унинг олдини олишга қаратилган тадбирлар миқёсининг ортиб бориши фикримизнинг яққол исботидир.



кўргазмалар, махсус дарс машғулотлари ташкил этилди. Куни-кеча учинчи босқич — Ўзбек миллий академик драма театри биносига «Гиёванд-сиз ҳаёт учун» мавзусидаги анжуман ўтказилди. Унда академиянинг профессор-ўқитувчилари, талабалари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иш-

### ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА АҲОЛИ ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ЭТИШ, АЙНИҚСА, ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ ЖИСМОНАН ЕТУҚ, МАЪНАН БАРКАМОЛ ИНСОНЛАР СИФАТИДА ТАРБИЯЛАШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА.

#### Тадбирлар

## УМР ЗАВОДИ

тирок этишди. Тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент тиббиёт академияси ректори, академик Ш.Каримов юртимиздаги гиёвандликка қарши кескин кураш жараёни, бу борада академия томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида мухта-

Рўзиёва биз билан бўлган суҳбатда. — Шу маънода бугун академиямиз ректорати, мутасадди ташкилотлар кўмағида ўтказилаётган тадбир ўзининг ижобий кўлами, аҳамияти билан бизга тенгдош ёшларнинг дунёқарашида ўзгаришлар ясашига ишонгим келади.

Маърузалар давомида таъкидлаб ўтилгандек, бугунги кунда гиёвандлар сони 185 миллион (БМТ статистикасининг 2002 йилги маълумоти)ни ташкил этади. Гиёванд моддалар ичида кўпроқ талаб кўпроқ бўлиб, уни 147 миллион одам истеъмол қилади. Киши умрига зомин бўлувчи захри котилларни кўпроқ эркаклар истеъмол қилса-да, улар орасида аёлларнинг ҳам борлиги, бунинг оқибатида қанчадан қанча гўдақларнинг ногирон ҳолда туғилаётгани ачинарли ҳолдир. Тадбир давомида академия талабаларидан иборат «Адреналин» ижодий гуруҳининг саҳналаштирилган чиқишлари ва театр жамоасининг «Бир қанотлилар» спектакллари намойиш этилди.

Хумоюн АЛИЕВ, Кутбиддин НИЗОМОВ

### Шифокор оғохлантиради

## ЗАҲАРЛИ КЎЗИҚОРИНДАН САҚЛАНИНГ!

### БАҲОР ФАСЛИДА ОБ-ҲАВОНИНГ НАМ КЕЛИШИ, ЁНИНГЧИЛИКЛАР ТУФАЙЛИ ЗАМБУРУҒЛАР ЎСИБ, РИВОЖЛАНИШИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ВУЖУДГА КЕЛАДИ.

Ер юзиде замбуруғларнинг 100000 дан ортиқ ботаник турлари мавжуд бўлиб, улардан 200 туригина истеъмол қилиш учун яроқлидир.

Ўзбекистон ҳудудиде замбуруғларнинг 300 дан зиёд тури мавжуд. Бироқ шулардан 25 туригина истеъмол учун яроқли ҳисобланади. Бундай замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли «кўзиқоринлар» деб атади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ҳар қайси вилоятида, ҳар бир туманида кўзиқоринларнинг фақат айрим, муайян турларигина терилиб, улардан турли хилдаги тансиқ таомлар тайёрланади. Бу истеъмол учун яроқли кўзиқоринлар маъдани моддалар, оксил ҳамда «С» ва «В» гуруҳларига мансуб витаминларга жуда бойдир.

Бирок республикамиз ҳудудиде ўсадиган кўзиқоринларнинг 275 дан зиёд ботаник турлари заҳарли ҳисобланади. Уларни асло истеъмол қилиб бўлмайди. Бундай кўзиқорин турларини маҳаллий аҳоли ўз ибораси билан заҳарли ўсимлик — қурбақанинг салласи» деб атади.

Бу турларга мансуб кўзиқоринлар таркибиде гелвелья кислотаси, фаллотоксин, аммонитотоксин ва бошқа заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, уларга қанчалик ишлов берилмасин, таркибидеги заҳарли моддалар ўзқолиб кетмайди. Улар қиздиришга жуда ҳам турғун, қайнатилганда зарарсизланмайди, оксиген таъсирида оксидланмайди ва ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланмайди. Оқибатда истеъмол қилган кишиларни заҳарланшига дучор қилади. Шундай ўткир заҳарли кўзиқорин турларидан бири «лепто» деб аталади. У шахримиз ҳудудидеги боғларда, қабристонларда, сайхон жойларда, дарахтлар тевағида ва бошқа жойларда ҳам учраб туради. «Ле-

пто» барча кўзиқоринларга ўхшаб соябон шаклида ўсади, уни истеъмол қилган киши қаттиқ заҳарланади.

Республикамизнинг баъзи жамоа хўжаликлари ва ширкатларига махсус иссиқ-хоналарда истеъмол учун яроқли бўлган «Вешанка» ва «Шампиньон» кўзиқорин турларини етиштириш ва савдо қилиш учун руҳсат берилган. Бу хўжалиқ ва ширкатларда етиштирилаётган кўзиқоринлар ва улардан тайёрланган консерва маҳсулотлари санитария-эпидемиология хизмати лабораторияларида таҳлил қилиниб, улар инсон соғлиғи учун зарарсиз бўлган тақдирда ҳар бир маҳсулотлар учун гигиеник сертификат берилади. Ана шундай гигиеник сертификатга эга бўлган кўзиқорин ва ундан тайёрланган маҳсулотларни савдо шохобчаларидан харид қилишингизни тавсия этамиз.

Заҳарли кўзиқоринлар билмай истеъмол қилган кишиларнинг орадан 6-12 соат вақт ўтгандан сўнг қўнгли айнаб, тез-тез қайт қилади. Ошқозон-ичак фаолияти бузилади, қоринда оғриқ пайдо бўлиб бутун аъзои-бадани бузулар кетади.

Кўзиқорин таркибидеги заҳарли моддалар жигар, буйрак, меъда ости бези ва марказий асаб тизими аъзоларини қаттиқ шикастлайди. Кўзиқориндан заҳарланиш аломатлари вужудга келган тақдирда, беморга 5-6 пилла илиқ намақобли сув ичирилиб, уни сунъий қайт қилдириб, меъдаси ювилиши керак. Агар меъда ювилиб, ундаги заҳарли моддалардан халос этилмаса, бу моддалар қонга сўрилади ва заҳарланиш янада оғир кечади. Бу беморларни ўш шифохонада билар-билмас даволаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолинг олдини олиш учун зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак.

Заҳарли кўзиқоринлар соғлигингиз учун ўта ҳавфли эканигини эсингиздан асло чиқарманг!

Шухрат ЮСУПОВ,  
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлини маси мудири

### ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

### Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби қошидаги хореография коллежи 2007 — 2008 ўқув йилига ўқувчилар қабулини

#### ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

#### Хореография коллежи кирувчилар учун

#### ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Хореография коллежи юқори малакали балет ва ансамбль артистларини тайёрлайди. Хореография коллежига қобилиятли бўлган иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади. «БАЛЕТ АРТИСТИ» бўлимига ўрта мактабнинг 4-синфини битирган 10-11 ёшли ўқувчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати 8 йил «АНСАМБЛЬ АРТИСТИ» бўлимига ўрта мактабнинг 7-синфини битирган 13-14 ёшли ўқувчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати 5 йил. Хореография коллежиде ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Хужжатлар 1 июндан 12 июнгача қабул қилинади. Ўқишга кирувчилар қуйидаги хужжатларни топширадилар: Ректор номига ариза (ўқувчиларнинг ота-онаси ёрдамида тўлдирилади). —Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг асли ёки нусхаси. —3x4 ҳажмдаги 5 дона фотосурат. —№ 26 шаклдаги мактаб ши-

фикари тасдиқлаган тиббиёт қарточкаси. —Мактабдан тавсифнома. —Турар жойидан маълумотнома. — Ота-онасининг иш жойидан маълумотнома. Иختисослик бўйича консултациялар май ойининг ҳар шанба кунлари соат 13.00 дан 17.00 гача ўтказилади. Касбий (ижодий) синовлар 13 июндан 17 июнгача ўтказилади. Коллежга қабул қилиш талаблари (касбий) ижодий синов 3 тур асосида ўтказилади. I тур — тиббий кўриқдан ўтиш (асосий диққат гавда, қўл, оёқ скелетларининг тузилиши, мушакларнинг бақувватлиги, асаб, юрак, ўпка, кўриш аъзоларининг соғлиги). II тур — ташқи саҳнабоплик кўрсаткичлари (юзи, қомаги, гавда тузилиши в.ҳ. ҳамда касбга лаёқати (оёқ очилиши, кўтариш, қадам ташлаш, сакраш, эгилувчанлик). III тур — мусиқа қобилиятлари (бунда ўқувчиларнинг рақсга, му-

сикага, ритмга мазмундорлиги аниқланади), ўқувчиларнинг умумтаълим билими она тили ва математика фанларидан ўтказилади. Авалги турдан муваффақиятли ўтган ўқувчилар кейинги турга қўйиладилар. Ҳамма синовлар якуни бўйича қабул ҳайъати аъзолари хореография коллежига ўқувчиларни қабул қилиш масаласини кўриб чиқадилар. Коллеж ўқувчилари сафига қабул қилиш ректор буйруғи билан расмийлаштирилади. Вилоятлардан келган ўқувчилар ётоқхона ва тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар. Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 153-24-36, 153-37-13. Олий мактаб манзили: 700031, Тошкент ш. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй (СОБИК Педагогическая кўчаси). Метронинг «Космонавтар» бекати, 11-троллейбуснинг «Хореография коллежи» бекати, 67, 92-маршрут таксилар. Қабул комиссияси

### Мунажжим башорати

## ЯНГИ БИЛИМЛАР ТЎПЛАШ КҮНИ

3 МАЙ, ПАЙШАНБА  
Кўёнинг бугунги ҳолати одамларда бебошлик, рашк ва кутқуларга мойилликни туғдиради. Кўёш ва Меркурий қувватларининг Бузоқ буржи 13-даражасида бириштириш сўз жунги ва рақибнинг бирор гапига ёпишиб олиш ҳоллари кўпайишига олиб келади.

Аммо фаол дам олиш ва янги билимларни тўплашга интилиш бугун хайрли бўлади. Шунингдек, ҳар қандай тарздаги қурилиш ишлари учун ҳам бугунги кун омадли ҳисобланади.

Оймомомиз бугун кўпроқ уй-рўзгор ишлари билан банд бўлишимизни маъқул кўради. Ой тақвими бўйича бугун сайр қилиш, осийишта мусикаларни тинглаш ҳамда сув билан боғлиқ муолажалар хайрли бўлишини билдиради. Қон чиқадиган даражада жароҳатланиш сизни хасталикка олиб борувчи жиддий хатолардан оғохлантирувчи аломот ҳисобланади.

**БУГҮН:**  
— муҳим янги ишни бошлаб юбориш;  
— ўзингизга ёқмаган ҳамма нарсаларни алмаштириш;  
— ирода ва куч-қудратингизни намоён этиш;  
— ҳар қандай муаммоларни ақл тарозусига солиб ҳал этиш;  
— соғлигингизни текширтириб, тиббиёт соҳаси мутахассислари маслаҳатини олиш;  
— кун режими ва парҳезга риоя қилиш тавсия этилади.

Туйғуларингизга тамоман ишониш, соғлигингизга, галати ва оғрикли ҳисларингизга бепарво бўлиш, спиртли ичимликлар, кучли таъсир этувчи тинчлан-тирувчи дори-дармонларни истеъмол қилиш маслаҳат берилмайди. Яшил-жигарранг аралаш тусли либосларни танланг.

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилмиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ**  
Буюртма Г - 406

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**  
Манзилмиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.**  
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2884 нусxada босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб ва сақланади.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа оқшорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.  
1 2 3 4 6  
Топширилган вақти: 12:16